



**ЧОРВАЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМЕР  
ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЯНГИ ВА ТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ**

---

- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги чорвачилик тармоғининг асосий йўналиши чорва молларини етиштиришдир, лекин замонавий бозор иқтисодиёти тизими мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида талабларни қўймоқда. Чорвачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 46,3 фоизи унинг улушига тўғри келади.
-

Замонавий гўшт ишлаб чиқариш йўналишида қуйидаги тизим технологиялар қўлланилади:

- биринчиси, махсус ихтисослашган гўштчилик хўжаликлари ёки гўштчилик комплекслари бузоқларни 20 кунлигидан бошлаб то 13 ойлигига қадар гўштга жадал парваришlash ва бўрдоқилash технологияси қўллаш натижасида 400-420 килограммга ва юқори семизлик даражасига етказилади

---

● иккинчиси, гўшт етиштиришга мўлжалланган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда корхоналар ўртача меъёردа боқилган 8-10 ойликдаги 150-180 килограммли ёш моллар бошқа хўжаликлардан сотиб олинади. Улар, 280-300 кг вазнга қадар боқилади ва сўнгра 90-100 кун мобайнида бўрдоқиланиб, 380-400 килограмм вазнга ва юқори семизлик даражасига етказилиб гўштга топширилади;

● учинчиси, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида бўрдоқилаш. сўйиш кондинциясига (тирик вазни ва семизлиги бўйича) етмаган ёш ва етук ёшдаги моллар пахта шроти, шелухаси, кепак, омихта ем, маккажўхори ёрмаси, пичан, сомон ва хўжалик чиқиндилари билан жадал бўрдоқиланади ҳамдаяйлов шароитида кейинги семиртириш учун технологияси ҳам қўлланилади

---

## Парваришлаш ва ўстириш даврining технологик схемаси

Моллар вазнининг ўсиши	Озуқа турлари	Озиқлантириш турлари				
		Кун	Озуқа бирлиги	Курук модда, кун	Алмани шувчи энергия, МДж	Ҳазмланувчи протеин, кун
I-давр ( парваришлаш 6-10 ойлик) 120 кун						
Тирик вазни 100-172 кг, ўртача кунлик ўсиш 600	Ширали озуқалар	950	190	238	2185	13,3
	Дағал озуқалар	398	175	330	2675	40,0
	Концентрат озуқалар	180	162	153	1800	18,0
II-давр (ўстириш 10-17 ойлик) 210 кун						
Тирик вазни 172-350 кг, ўртача кунлик ўсиш 850	Ширали озуқалар	2500	580	625	5750	35,0
	Дағал озуқалар	945	415	784	6350	94,5
	Концентрат озуқалар	650	585	553	6500	65,0

- ола-қора чорва зоти авлоди доирасида турли мамлакатда боқилган подалар ўртасида сизирларнинг тури ва сут маҳсулдорлиги борасида катта фарқ бор.



## **Канада гольштин зотлари**

# Германия гольштин сигири



- Аммо баъзи бир хўжаликлар чет элдан олиб келинган чорва молларда қисирлик фоизининг юқорилиги ва улар мажбурий яроқсизга чиқарилиши, сотиб олинган чорва молларининг маҳсулдорлиги лозим даражада эмаслиги билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келдилар. Бу чет элдан гольштин зотига мансуб чорва молларни импорт қилишга нисбатан салбий муносабат пайдо бўлишига олиб келди. Юзага келаётган муаммолар нима билан боғлиқлигини босқичма-босқич кўриб чиқилади ва уларни четлаб ўтиш йўлларини аниқлаш.
-



**Саралаб олиш босқичи.**

---

# Карантинга қўйиш



- Сақлаш шароитларининг ўзгариши натижасида юз берадиган зўриқишларга ҳайвонлар организмнинг мослашиш имкониятлари чекланган. Организм ички муҳити динамик барқарорлигининг сақланиши доирасида мослашиш жараёни жиддий зўриқиш билан боғлиқ ва бу, ҳеч шубҳасиз, маҳсулдорлик даражасига таъсир кўрсатади, таъсир давомли бўлганда эса физиологик функцияларнинг бузилишига, баъзан уларнинг издан чиқишига олиб келади.
-

Стресс омилларининг салбий таъсирини бартараф этишнинг уч йўли мавжуд:

- стрессга чидамли ҳайвонларни селекция йўли яратиш ва стрессга чидамлилик мезонига кўра саралаб олиш;
  - стрессга қарши профилактика ва даволаш ишларини олиб бориш;
  - технологияни ҳайвонларнинг биологик эҳтиёжларига яқинлаштириш мақсадида такомиллаштириш.
-

- Ғарбий Европа мамлакатларининг аксариятида сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган чорвачиликни ривожлантириш таҳлили ва Шимолий Америка тажрибаси учинчи бандни бажариш қолган икки банднинг долзарблигини сезиларли даражада пасайтиришидан далолат беради. Бундан хулоса шуки, асосий эътибор сигирларни сақлаш шароитларини янада яхшилашга ва уларни физиологик эҳтиёжларига мувофиқ сифатли, мувозанатга солинган емлар билан таъминлашга қаратилиши лозим.
-